

## ЧОЧ ВА СУҒДНИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

**Мухамедов Якубджсан Кадирович**

ЎзМу тарих факультети Археология  
кафедраси катта ўқитувчиси(PhD)

Email: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

Тел: +99895 0214815

### Аннотация

Уибу мақолада Чоч ва Суғднинг илк ўрта асрлар даврида амалга оширилган ўзаро савдо иқтисодий ва маданий алоқалари Farbii Turk хоқонлиги даврида савдо сотиқ ва элчилик муносабатлари бўйича олиб борган ислоҳотлари хусусида сўз юритилади.

Мақолада келтирилган маълумотларни ёритишда мазкур масала бўйича илмий изланишилар олиб бораётган мутахассислар томонидан билдириб ўтилган фикр мулоҳазалари ўрганиб чиқилиб илмий асосда таҳлил қилиниб ёритилган.

**Калит сўзлар:** Суғд, Чоч, Хоқон, турк, эфталит, Чже ше, Тегин, Қанғ, Ябғу, этник гурух, тудун, тутун. савдо, айирибошлиш.

Қадимда яшаган турли этник гуруҳларнинг ўзаро бир ерда тўпланишида маданий алоқалар ва савдо-сотиқ муносабатларини аҳамияти ниҳоятда каттадир. Хусусан, Ўрта Осиё худудларида истиқомат қилувчи этник гуруҳларни қадимдан Чоч ва Суғд билан олиб борган ўзаро савдо иқтисодий алоқаларини ёритиш масаласи ҳозирги кундаги долзарб мавзулар сирасига киради.

Суғд ва Чоч аҳолиси ўзаро маданий алоқалар олиб борган бўлиб, улар нафақат савдо муносабатларда балки ҳамкорликда қўшни минтақа Хитой Шарқий Осиё худудларида давлатлар билан ҳам савдо муносабатларини йўлга кўйганлар.

Чочнинг ўтроқ аҳолиси ва кўчманчи қабилалар билан ўзаро алоқалари кулагай минтақада Сирдарёning ўрта ҳавзасини ишғол этган бўлиб, қадимги даврларданоқ Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий-алоқалари ривожида ўзига ҳос кўприк вазифасини бажариб келган. Антик давр манбалари таҳлили шуни кўрсатадики Сирдарёning ўрта ҳавзаси ўтроқ аҳоли ва чорвадор кўчманчи қабилалар ўртасидаги мулоқот маркази бўлган.

Буюк ипак йўли Қанғ давлати (мил. авв. II – мил. IV асрлар) тасаруфидан бўлган даврда улкан худудни, жумладан Суғд ва Чочни ўзаро боғловчи йўл бўлган. Эфталийлар даври (V–VI асрлар)да ҳар икки худуднинг иқтисодий ва сиёсий нуфузи ортиб борган. Чунки бу даврда улар мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган. VI асрга мансуб “Вэй шу” ва VII асрга оид “Бэй шу” солномаларида Чоч – Чже ше (Чиачиат) давлати номи остида тилга олинади[1]. Шунингдек, ушбу манбада келтирилишича, 437 йилда мустақил Чоч Хитойга элчилар юборган. Бошқа бир манба “Тундян”да эса, Чоч давлатининг Суй сулоласи (581-618) билан дипломатик алоқаси хақида сўз боради[2]. Қолаверса, VII аср бошларигача Суғд каби Чоч ҳукмдорлари (605 йилгача) ҳам келиб чиқиши юэчжиларга бориб тақалувчи чжаоулар хонадонига мансуб бўлганлар[3]. Чочда Қанғ давлати даврида маҳаллий чжаоулар, Турк хоқонлиги давридан, яъни 605 йилдан сўнг туркий сулола вакиллари давлат бошқарувини амалга оширганлар. Сиёсий ва маъмурий бошқарувни олиб борища маҳаллий туркийлар ва сұғдийларнинг салмоғи юқори ўринда турган[4]. Хоқонликнинг Ипак йўли устидан назорат юритиши воҳа иқтисодини янада ривожлантиришга сабаб бўлган.

Эфталийларни мағлуб этган Турк хоқонлиги унинг таркибида бўлган худудларни ўз таркибига қўшиб олади. Хусусан, Чоч дастлаб Истами яғу-хоқон тасарруфидан, бўлса, хоқонлик иккига бўлингач (603 йил), Фарбий Турк хоқонлиги таркибига киради. 605 йилда Шегуй шад (шаҳзода) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини Нийени ўлдириб, унинг ўрнига Истами авлодларидан ашина сулоласига мансуб Тегин Тяңчжини (605-609) тайинлайди. Шу ўринда хитой йилномаларида 605 йилда Фарбий Турк ҳукмдори “Шегуй хоқон ўз қўшини билан отланиб, ушбу ҳукмдорликни тор-мор қилди маҳаллий бошқарувни тугатди ва ашина оиласига мансуб Тяньчжини ноиб Тегин сифатида бу ҳукмдорликни бошқаришга буйруқ берди... Бешинчи Да-ье йили (609 й.)да Тяньчжи Хитой саройига ўз хурмат-эҳтиромини билдириш мақсадида ҳадялар билан биргаликда элчи юборди”[5] мазмунидаги маълумотларнинг келтирилиши ҳам бевосита Чоч воҳа сифатида нуфузи ошганлигини англаатади.

Тегин Тяньчжи Фарбий Турк хоқонлиги яратган иқтисодий ва сиёсий эркинликдан фойдаланиб, Хитой билан дипломатик алоқа ўрнатди. 618 йилда ҳокимиятга келган Фарбий Турк ҳукмдори Тўн яғу ўз қароргоҳини Чоч

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

яқинидаги Мингбулоқ (хитойча Цян-циоан) мавзесига күчирди. Башқарувда ислоҳатлар ўтказиб, қарам ўлкаларга ўз вакиллари – элтабар (эл-давлат бошқарувчи)ларини юборди. Тушадиган солик назоратини тудунлар орқали амалга ошириди. Араб истилоси даврида Чоч ўз ҳукмдори (с'сук xwβ) – турк тегини ва тудун (*tðwn*) томонидан бошқарилган. Хусусан, Мохэду тутун – Баҳадур тудун (713-740) ва Суғд маъмурияти муносабатлари Муғ архивининг А-14 хужжатида ўз аксини топган[6]. Тегинлар сулоласи Чочни 750 йилгача бошқариб келган .

Чоч Халқаро савдо муносабатларда ўзининг харидоргир маҳсулотлари билан фаол иштирок этган. Жумладан қимматбахо тош ва металлар Лашкарак конидан қазиб олинган кумуш ва кумуш маҳсулотлари, Тункет ва Тўққет хом ашё металлари, Қорамозорнинг мовий ферузалари ва бошқаларни савдосини ташкил қилган. Бу даврда ички бозорда қиймат ўлчови учун маҳсус мис тангалар зарб этилди. Чоч худудида Фарбий Турк хоқони Тарду хоқон (576-603) – *trðw γ'γ'n* номи акс этган суғдий ёзувдаги тангалардан то Тўн ябғу хоқоннинг (618-630) ябғу-хоқон пули деб номланувчи тангалари муомала воситаси вазифасини бажариб келган. Бу тангалар муомаласи иқтисоднинг ўсиши ва халқаро савдонинг ортишига замин яратди.

Чоч маҳсулотларининг харидоргир бўлишига энг аввало, унинг хунармандчилик ва савдо маркази бўлган Буюк Ипак йўлини шимолий тармоғида жойлашганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Суғдликлар қадимда Буюк Ипак йўлида савдо сотик муносабатларни олиб боришда кўплаб имтиёзларга эга бўлган. Уларни бундай имкониятларга эга бўлишларида ўз даврида қудратли бўлган Кушон ва Қанғ давлатларининг инқизотга учраши улар учун кўплаб имкониятларни юзага келтирган. Бу даврни минтақа учун “суғдийлар даври[7] сифатида эътироф этилган. Турк хоқонлиги бошқарув таркибида бўлган Суғдликлар мақеъи янада ортиб борган. Хусусан, улар нафақат моҳир савдогарлар, балки элчилик муносабатларни юритишида ҳам хоқон номидан кўпгина ҳудудларга элчилар қаторида иштирок этганлиги маълум.

Чоч воҳасининг Ипак йўлидаги стратегик ўрни ва Суғд билан яқин алоқаси турк-суғд муносабатларида муҳим аҳамият касб этган.

Суғдликлар нафақат ички савдо муносабатларда етакчи ўринга эга эди балки Хориж давлатларида уларнинг маҳсулотларига талаб юқори даражада бўлган. Бу борада Хитой манбаларида Суғдликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хунармандчиликда яратган қурол аслаҳалари хақида тарифлар келтирилган. Суғд худуди табиати жуда хилма ҳилдир ҳудуд ерлари дехқончилик ва боғдорчилик қилиш учун жуда қулай минтақа ҳисобланди. Халқаро савдо муносабатларда уларнинг боғдорчилик маҳсулотларидан шафтоли ва гилос, узумчиликда майиз етиширишда моҳир миришкорлардир[8]. Йилқичиликда зотдор отларни энг сараларини таёrlашда ва экспорт қилишда уларни олдига тушадиган савдогарлар бўлмаган. Ипак савдосида хатто Хитойни ҳам доғда қолдира олишганлиги хитой йилномалари ва манбаларда тилга олиб ўтилган. Бу борада улар савдо алоқаларини олиб боришда маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда воситачи вазифани ҳам бажарганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Суғдликлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия ва бошқа кўплаб минтақа ҳудудларда савдо сотик ишлари билан ном қозонганлар. Улар томонидан олиб борилган маҳсулотлар; заргарлик буюмлари, қурол аслаҳалар, эгар жабдуқлар, куритилган мевалар ва бошқа маҳсулотлари халқаро бозорда энг харидоргир маҳсулотлар сифатида тан олинган. Шу боисдан бўлса керакки ушбу юқорида тилга олиб ўтилган ҳудудларда суғдликлар ўз савдо марказларини ташкил қилганлар.

Чоч савдогарлари суғдий тужжорлар билан четга маҳсулот олиб чиқиб, хориждаги манзилгоҳларда бир жамоа бўлиб истиқомат қилишган[9]. Бу борада узоқ йиллар давомида изланишлар олиб борган Л.Р. Кизласов V–VIII асрларда Шарқда амалга оширилган тижорат ишларининг аксариятини чочликлар амалга ошириб келганлар. Бу эса хоқонлик хазинасига катта даромад келтирибгина қолмасдан Чоч минтақа ҳудудида савдо сотик ишларини юритишда сугдликлар билан бевосита рақобатлаша олганликларини ҳам англаатади.

Асрлар давомида шаклланган Суғд урбанистик маданияти Чочга ҳам ўз таъсир ўтказмасдан қолмаган. Илк ўрта асрларда воҳада 255 атрофида манзилгоҳлар, 30 дан зиёд қалъя ва шаҳарлар қурилиб, суғдий ва туркий шаҳарсозлик анъаналари ўзаро синтезлашди[10]. Ўнлаб шаҳарларда туркий ва

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

суғдий қавмлар ёнма-ён яшаб, Чоч тараққиётига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшганлар.

Ёзма манбаларда чочликлар Суғд ва Фарғонада яшайдиган кишиларга ўхшаган, жасур, курашчан ва эркесварлиги билан ажralиб турганлиги хақида сўз боради[11]. Бу борада Афросиёб деворий тасвирларида ҳам маълумот олиш мумкин ўзларини мард, юрти обод, ҳукмдори муҳтор бўлган чочликлар ҳакида. Самарқандга ихшид Вархуман (Авархуман) (650/655-675) хузурига келган Хитой ва Чагониён элчилари қаторида Чоч элчиси ҳам бўлган[12]. Бу элчилик Чоч ҳукмдори Тўн тудун (658) томонидан Суғдга юборилган бўлиши мумкин.

Илк ўрта асрларда чочликлар суғдий аҳоли таъсирида уларнинг тили ва ёзувидан фойланганлар[13]. Суғдий тил бу ердаги туркий қатлам учун мулоқат тили вазифасини ўтаган. Воҳа ҳукмдорлари маҳкама ишларида суғдий тил ва ёзувидан фойдаланишди. VII–VIII асрларга келиб туркий ҳукмдорлар анъанавий суғдий ёзувли турк-суғд тангаларни муомалага киритишли[14]. Чочда суғдий тил ва ёзув қаторида туркий тил ва ёзув ҳам амал қилган. Чоч воҳасида нафақат суғдий ёзуби тили балки туркий тил ва ёзувидан ҳам фойдаланиб келинган. Бу борада Чоч атамаси II–III асрнинг биринчи ярмига оид Култепа шаҳри ҳаробасидан топилган сопол сиртида[15] аниқланган ёзув намунасида ҳам буни аксини кўриш мумкин.

Чочга суғдийларнинг кириб келиши зардуштийликнинг ёйилишига ҳам туртки бўлган. Бунга 1871 йилда Тошкентдан ва 2001 йилда Тўйтепадаги Бешқападан топилган VI–VII асрларга оид остодонлар мисол бўлади[16]. Қолаверса, Чоч кўплаб диний конфессиялар кесишган минтақа бўлиб, бу ерда маҳаллий туркларнинг тангричилик, христианликнинг несториан оқими, монийлик каби динлари ҳам тарқалган [17].

Хитой олимлари суғдликларнинг Буюк Ипак йўли орқали бўлган халқаро савдо ва маданий алоқаларда катта ўрин тутганлиги хақида қуйидаги сўзларни баён қилишган. «Хитой билан Ғарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, ҳунлар, суғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евросиё шимолий савдо йўлини - яйловлараро ўтган ипак йўлини ilk бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар милоддан аввалги V асрлардан бошлаб то милодий X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида Ипак йўли орқали амалга оширилган алоқаларни

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

ривожлантиришда ниҳоятда улкан ҳисса кўшган»[18]. умуман олганда хитойлик олимлар томонидан билдирилган маълумотлардан шу нарса аён бўладики Буюк ипак йўлини кейинги тақдирини белгилашда сұғдликларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлган.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O’zbekiston tarixi. – 2005. – № 2. – С. 3–18.
2. Ўша асар.18.
3. Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – М.: Наука. – С. 272–282; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 24–27.
4. Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрёстке истории. – Ташкент: Фан, 2001. – С. 6.
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. II. – М. – Л., 1950. – С. 273, 282, 313; Бобоёров F. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Б. 33. Мухамедов Ё. Чоч воҳасида Фарбий Турк хоқонлиги бошқаруви. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. – Б. 14-15.
6. Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (док. А–14 с горы Муг) // СЭ. – 1960. – № 2. – С. 92–109.
7. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари.Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010. Б.7.
8. Ўша асар.....б.8
9. Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. – 2002. – № 2 (14). – Б. 42.
10. Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ. – 1957. – Вып. IV. – С. 22–24.
11. Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи (Қадимги даврлардан бугунги кунгача). Art flex.-Тошкент. 2007. Б.31.
12. Альбаум Л.И. Новые росписи Афрасиаба // СНВ. – Вып. X. – М.: Наука, 1971. – С. 88–89.
13. Исхаков М.М. Палеографическое изучение согдийских письменных памятников: Автореф. дисс. ... док. истор. наук. – С. 3; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Драйк-пресс, 2002. – С. 158.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF(2023)-3,778 Volume-1, Issue-11

14. Смирнова О. И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 130–134.
15. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари. Монография. –Т.: ART-FLEX, 2010. Б.7. Буряков Ю. Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. – 2002. – № 3. – С. 11.
16. Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. – С. 309, 359. Миносянц Б.С. Новые находки оссуариев из Тойтепа // O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi, 33-nashri. – Самарканд, 2002. – С. 168-172.
17. Буряков Б.Ф. К истории раннесредневекового Чача. – С. 18–19.
18. Ходжаев А., Каримова Н. Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан. Тошкент.2022.-Б.18.
19. Mukhamedov, Y. K. (2023). SOME COMMENTS ABOUT THE ADMINISTRATIVE CENTERS OF THE WEST TURKIC KHANATE IN THE TASHKENT OASIS. Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals, 3(08), 38-42.
20. Ochilidiyev, F. B. (2022). SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE XIX-EARLY XX CENTURIES. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY, 3(03), 13-20.
21. Ochilidiyev, F. B. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 1960S AND 1980S. Oriental Journal of Social Sciences,3(03), 78-89.
22. Muhamedov, Y. (2021). The study of control system of chach's oasis by foreign researchers in early middle ages. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 2442-2448.
23. Mukhamedov, Y. Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(05), 46-52.
24. Muhamedov, Y. (2021). Reforms Of The Western Turkish Khanate In The Chach Administration. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(02), 133-140.